

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА НОЗИМА ФАХРИТДИНОВНА

МУЛЬТИМЕДИА ЖУРНАЛИСТИКАСИ:
ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc) on
philological sciences**

Муратова Нозима Фахритдиновна

Мультимедиа журналистикаси: халқаро ва миллий тажриба 3

Муратова Нозима Фахритдиновна

Мультимедийная журналистика: международный и национальный
опыт 33

Muratova Nozima Fakhritdinovna

Multimedia journalism: international and national experience 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 70

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАТОВА НОЗИМА ФАХРИТДИНОВНА

МУЛЬТИМЕДИА ЖУРНАЛИСТИКАСИ:
ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

филология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/Fil468 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Мўминов Файзулла Абдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Маматова Якута Мухамеджановна
филология фанлари доктори, профессор

Мельник Галина Сергеевна
сиёсий фанлар доктори, академик

Етакчи ташкилот:

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ кuni тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Қ.Т.Ирназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Янги асрда журналистика тузилмаси ва функцияларидаги ўзгаришлар ахборот маконини ривожлантиришга ҳамда мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг жадал равишда тараққий топишига имконият яратмоқда. Ахборот билан таъминлашнинг янги техник, ташкилий ва интерактив усуллари оммавий коммуникацияларнинг замонавий тизимлари ва моделларини яратиш зарурлигини тақозо этмоқда. Онлайн журналистика оммавий характер, гиперматнлилик, интерактивлик, самарадорлик, информативлик ва бошқа ўзига хос хусусиятлари туфайли тўртинчи турдаги оммавий ахборот воситаси сифатида ўз мавқеини қатъий белгилади. Бу хусусиятлар аудиториянинг оммавий ахборот воситаларига бўлган анъанавий муносабатини аста-секин ўзгартирди. Ушбу босқичда оммавий ахборот воситаларида мультимедиалашув ва конвергенциялашув жараёнлари журналистлар фаолиятини ўзгартира бошлади ҳамда тахририятларнинг ташкилий ва таркибий тузилиши қайта кўриб чиқиш, фаолият алгоритмлари, ахборот тарқатиш каналлари ва шаклларига қай тарзда таъсир кўрсатишини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида қатор гуманитар ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши, янги ёндашувнинг пайдо бўлиши ХХІ аср бошларида юзага келди. Натижада интернет асрида ахборот фаолиятига эътибор қаратилди. Замонавий медиа тадқиқотларига бундай ёндашув илмий тадқиқотларнинг янги йўналишлари пайдо бўлишига олиб келди. Медиамаконда илмий жамоатчиликнинг шаклланиши тадқиқот жараёнида қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Баъзи тадқиқотчилар оммавий ахборот воситаларида конвергенция масаласинигина тадқиқ қилади, натижада интернетда ахборотни тақдим этишнинг замонавий мультимедиавий шакллари янгиланади. Журналистикада янги шакл ва усулларнинг пайдо бўлиши орқали журналистика сифатининг ўзгариши, хусусан, мультимедиавий журналистика, ахборий журналистика, шарҳлаш журналистикаси, маълумотларни қайта ишлаш ва тақдим этиш кабиларнинг олимлар томонидан таҳлил қилиниши долзарблик касб этади.

Ўзбекистонда ҳам интернет майдони миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда, унинг таркибида онлайн нашрлар алоҳида мавқега эга, уларнинг турлари хилма-хил бўлиб, нашрлар типологияси кўпаймоқда. Натижада асосий хусусияти мультимедиа бўлган янги ўзгартирилган жанр ва форматлар пайдо бўлмоқда. Шу сабабли тўртинчи турдаги оммавий ахборот воситаси сифатида онлайн журналистиканинг фундаментал ва амалий хусусиятларини, унинг мультимедиа ва конвергент фазилатларини доимий илмий таҳлил қилиш муҳим жараён ҳисобланади. "...Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз-шогирд анъаналарини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. ...биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади. Оммавий ахборот воситалари

ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўқинлик қилиш – бу демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак”¹, - деб миллий медиамакондаги ҳозирги вазиятга баҳо берди Президент. Бундай камчиликларни чуқур ўрганиш ва бартараф этиш, оммавий ахборот воситалари соҳасида миқдорий кўрсаткичдан сифат кўрсаткичига ўтиш, улар ишининг самарадорлигини ошириш асосий вазифадир. Бу йил давлатимиз раҳбарининг “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги янги қарори² билан ОАВ ходимларига бўлган эътибор кучайди, бу қарор кўплаб институционал ислохотлар билан бир қаторда, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган, хусусан, “фойдадан 50 фоиз солиқ имтиёзлари, шунингдек, матбаа ва бошқа асбоб-ускуналар импорти божхона тўлови ногатенг”³. Бу борада ахборот соҳасини ислох қилишда янги медианинг фаолият йўналишларини ривожлантириш, медиа майдонда миқдор ва сифат кўрсаткичларини ошириш аҳамияти ортади.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги 78-сон “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, 2018 йил 29 мартда янги таҳрирда қабул қилинган “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 2 февралдаги ПФ-5653-сон “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармонлари, 2012 йил 21 мартдаги 1730-сон “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий чоралари, журналистик фаолиятнинг кафолатлари ва медиа соҳасига оид илмий тадқиқотлар соҳасининг тартибга солиниши белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги. <https://president.uz/ru/lists/view/5294>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.06.2022 йилдаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294 сонли қарори. <https://president.uz/ru/lists/view/5293>

³ ОАВ солиқ имтиёзларини олади. <https://www.gazeta.uz/ru/2022/06/27/media-tax-incentives>

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Жаҳоннинг медиа бўйича илмий жамоатчилиги томонидан ўрганилаётган барча долзарб тенденциялар журналистиканинг уч жиҳати билан узвий боғлиқ: конвергенция, мультимедиа ва технологияларнинг, шу жумладан сунъий интеллектнинг медиага жорий этилиши юзасидан халқаро The Poynter Institute, International Association for Media and Communication Research (IAMCR) каби қатор илмий марказлар ва халқаро ташкилотлар фаолият юритмоқда. Университетларнинг илмий жамоалари медианинг янги тенденциялари юзасидан назарий изланишлар олиб бормоқдалар, жумладан, Michigan State University, Texas University (АҚШ), Bonn University (Германия), Kukmin University (Жанубий Корея), China Communication University (Хитой), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Миллий масс-медиа тадқиқотлари институти, “Silamedia” мультимедиа лабораторияси (Россия Федерацияси), Marmara University (Туркия), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда MediaDataLab – Медиа тадқиқотлар Маркази (Ўзбекистон).

Жаҳон миқёсидаги назарий ва амалий медиа тадқиқотларда журналистиканинг янги йўналишларининг ривожланиши билан боғлиқ масалалар, жумладан, қуйидаги ракурсларда ўрганилган: ахборот технологиялари таъсирида ҳамда мультимедиа журналистикаси шароитида таҳририятларда янги касблар масаласи (The Poynter Institute); медиа соҳасида юзага келган – дата журналистика, визуал нарративлар, рақамли медиа истиқболлари, коммуникацион сиёсат ва унинг моҳияти каби янги йўналишлар тадқиқ этилган (International Association for Media and Communication Research (IAMCR)); таҳририятларда мультимедиа журналистлар фаолиятининг ташкилий-ижодий цикли аниқланган (Texas University, АҚШ); мультимедиавийлик шароитида маълумотлар асосида ахборот етказишнинг хусусиятлари (Kukmin University, China Communication University); мультимедиа журналистикасининг янги фаолият тури сифатидаги назарий асослари, конвергент таҳририятларда ижодий цикл ўзгариши билан боғлиқ жараёнларнинг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатлари (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Миллий масс-медиа тадқиқотлари институти); онлайн журналистикада ахборот трансформацияси ва визуаллаштириш усуллари (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети); глобал аҳамиятга эга мавзуларни ОАВда ёритишда мультимедиавий воситалар самарадорлиги (Ўзбекистон миллий университети); мультимедиавий журналистикани ўрганишнинг янги медиа таълим йўналишлари ва янги касблар бўйича ихтисослашув жараёнлари (“Silamedia” мультимедиа лабораторияси); янги медиа шароитида дата журналистикасининг мультимедиавий имкониятлари (MediaDataLab – Медиа тадқиқотлар Маркази).

Бугунги кунга келиб, мультимедиавий журналистика бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: мультимедиа журналистикасининг ижодий, ташкилий, техник ва жанрий хусусиятлари ва умумжурналистик касбий компетенциялари борасидаги

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги информацион ресурслар асосида амалга оширилган: <https://www.poynter.org>, <https://www.iamcr.org>, <http://www.nammi.msu.ru>, <http://www.rian.ru>, <http://www.msu.com>, <https://www.mediascope.ru>, <http://www.mediatdata.uz>.

талаблари юзасидан илмий-назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш, замонавий журналистика ривожланишига техник омилларнинг таъсир қилиши, хусусан, медиада сунъий интеллектнинг жорий этилиши натижасида юзага келаётган контент яратиш жараёнларидаги ўзгаришлар бўйича амалий тадқиқотлар, мультимедиа таъсирида замонавий медиа таҳририятларнинг ташкилий, услубий, контент жиҳатдан иш услубларидаги ўзгаришларни тартибга солиш бўйича таҳририят сиёсатини ишлаб чиқиш, технологик жараёнлар таъсирида медиа аудиториянинг ахборот қабул қилиш кўникмаларининг кенгайиши билан мультимедиавий медиасаводхонлик тушунчаси юзага келиши бўйича илмий-назарий ёндашувлар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрганилаётган муаммонинг турли жиҳатлари журналистика ва онлайн медиа назариётчилари томонидан маълум даражада ўрганилган. Х.Дўстмухамедова, Ф.Мўминов, Қ.Ирназаров, М.Худойкулов асарларида⁵ Интернетнинг анъанавий матбуот ва касб этикаси соҳасига таъсири, радио ва телевидениенинг янги технологиялар билан ўзаро алоқаси, журналистнинг янги медиа муҳитида ижод масалалари кўриб чиқилган. Журналистларнинг интернет тармоғидан фойдаланиши Ш.Қудратхўжа⁶, журналистикадаги интерактивлик Ю.Ортиқова⁷ томонидан таҳлил қилинади. Миллий ва халқаро илмий-амалий анжуман ва форумларда Интернетда медиа ресурсларни ривожлантириш масалалари кўтарилади⁸.

Онлайн журналистиканинг турли назарий ва амалий жиҳатлари Рей Г.Росалес⁹, Ж. Дубе¹⁰, Н. Пол¹¹, Р.Найлс¹², С.И.Лось¹³ каби хорижий тадқиқотчилар нашрларида, рус олимлари А. Акопов¹⁴, А.А. Калмиков ва Л.А. Коханова¹⁵,

⁵ Интернет журналистика (Интернетда радио ва телевидение). Илмий мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир Ф.А.Мўминов. – Т.: «MRC-Tashkent», 2005. – 176 с.; Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 73 с.; Он же. Глобаллашув даври ва ахборот макони // Ўзбекистон матбуоти. – Т.: 2007, №3. – С. 12-14; Он же. Ахборотлашаётган жамият талаблари. // Ўзбекистон матбуоти. – Т.: 2005, №3. – С. 6-7; Эрناзаров К.Т. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Учебн. пособие. – Т.: 2002. – 120 с.; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Т.: Университет, 2008. – 236 с.

⁶ Қудратхўжаев Ш. Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 96 с.; Он же. Журналист фаолиятида Интернетдан фойдаланиш. Услубий қўлланма. – Т.: 2011, - 105 с.

⁷ Ортиқова Ю.А. Интерактив журналистика шаклланишининг асосий босқичлари //Ўзбекистонда хорижий тиллар. – Т., 2021, № 6. (41). – Б. 208-218; Artikova Y. A. Interaktiv teleloyihalarning fiziologik omillari // O'zbekistonda xorijiy tillar. – Т., 2022, № 3 (44). – В. 112-123.

⁸Международная конференция «Использование современных информационно-коммуникационных технологий в деятельности печатных и электронных СМИ». – Бухара, апрель 2009 года. – Т., 2009; Медиафорум «Роль современных информационно-коммуникационных технологий в деятельности печатных СМИ и перспективы развития Интернет ресурсов страны», 25-27 сентября 2007 года. – Т., 2007.

⁹ Ray G.Rosales The Elements of Online Journalism. iUniverse, inc. – New York Lincoln Shanghai, 2006. – P. 68.

¹⁰ Jonathan Dube. On-line storytelling forms. www.cyberjournalist.net

¹¹ Laura Ruel and Nora Paul. Multimedia storytelling: when is it worth it? www.ojr.com (12.02.2007); Nora Paul. «New News» retrospective: Is online news reaching its potential? www.ojr.com (24.03.2005).

¹² Robert Niles. “Telling the Story: Writing for Print, Broadcast and Online Media” www.ojr.com (15.02.2008); Robert Niles. Newspaper websites shine with online campaign graphics. www.ojr.com (12.12.2007); Robert Niles. Technology threats to advertising breach newsroom walls www.ojr.com (27.01. 2005).

¹³ Лось С.И. Интернет-СМИ Казахстана как конкурент традиционным медиа республики.: Автореф. дис. на соискание академической степени доктора философии. – Алматы, 2010. – 22 с.

¹⁴ Акопов А. И. Типологическая характеристика сетевых периодических изданий Интернета // Акценты. Новое в журналистике и литературе. – Воронеж: 1999, № 1-2. – С. 22-27; Акопов А. И. Социокультурные и правовые проблемы Интернет-журналистики // Акценты. Новое в журналистике и литературе. – Воронеж: 2003, №1-2. – С. 20-24.

¹⁵ Калмыков А. А., Коханова Л. А. Интернет-журналистика. Учеб. пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – С. 383.

М. Лукина¹⁶, И.Фомичева¹⁷, В.Кихтан¹⁸, Л.Шестеренкина¹⁹нинг китоб ва кўлланмаларида кўриб чиқилган. Бу ва бошқа асарларга Интернет оммавий ахборот воситалари ва интернет журналистикаси назарий ва амалий жиҳатдан турли оммавий ахборот воситалари ишлаб чиқарувчилари томонидан Интернетнинг ривожланиши натижасида пайдо бўлган янги медиа сегменти сифатида қаралади.

Мультимедиа журналистикасининг назарий ва амалий жиҳатлари АҚШ ва Европа мамлакатларида фаол ўрганилмоқда²⁰. Диссертация мавзуси бўйича хорижий муаллифларнинг бир қатор асарлари рус тилига ҳам таржима қилинган²¹.

Рус муаллифларига келсак, Л.М.Землянова, М.М.Лукина, С.Ю.Чимарев, Д.Кульчицкая, С.И.Симакова, Е.А.Осиповская, Е.Л.Вартанова, И.А.Полуэхтова ва бошқалар мазкур муаммолар билан фаол шуғулланмоқда²².

Ушбу мавзу бўйича ўзбек муаллифларидан (диссертация муаллифидан ташқари) Қ.Т.Ирназаров, Н.С.Қосимова, Г.Алимова, М.Нурутдинова²³ ва

¹⁶ Интернет-СМИ: Теория и практика. Учебн. пособие. / Под общ. ред. М.М.Лукиной. – М.: Аспект Пресс, 2010. – С. 348; Лукина М., Фомичева И. СМИ в пространстве Интернета: Учебн. пособие. – М.: Факультет журналистики МГУ им. М.В. Ломоносова, 2005. – С. 87.; Лукина М.М. СМИ в домене Ру: хроника, цифры и типы // Вестник Московского университета. Серия 10: Журналистика. – М.: 2001. № 6. – С. 63-73.

¹⁷ Кихтан В. Информационные технологии в журналистике. – Ростов-на-Дону, 2004. – С. 160.

¹⁸ Универсальная журналистика: Учебник для вузов / Под ред. Л. П. Шестеркиной. – М.: Издательство «Аспект Пресс», 2016. – 480 с.

¹⁹ Фомичева И.Д. Социология Интернет – СМИ: учебное пособие. – М.: Факультет журналистики МГУ им. М.В. Ломоносова, 2005. – С. 79; Фомичева И.Д. Индустрия рейтингов: введение в медиаметрию. М.: Аспект Пресс, 2004. – С. 158.

²⁰ Andy Bull. Multimedia Journalism: A Practical Guide. 2nd Edition. Routledge., 2016. 532 P., Richard Koci Hernandez, Jeremy Rue. The Principles of Multimedia Journalism. Packaging Digital News. Routledge., 2016., 232 P., Seth Gitner. Multimedia Storytelling for Digital Communicators in a Multiplatform World. 1st Edition. Routledge., 2016., 460 P., Richard Scott Dunham. Multimedia Reporting. How Digital Tools Can Improve Journalism Storytelling. Springer Singapore., 2020., 434 P., Ivo Burum, Stephen Quinn. MOJO: The Mobile Journalism Handbook: How to Make Broadcast Videos with an iPhone or iPad. Routledge., 2016., 322 P.

²¹ Бернштейн У. Массмедиа с древнейших времен и до наших дней. Пер. с англ. М.: Издательство АСТ, 2017; Тоффлер Э. Третья волна. Пер. с англ. М.: АСТ: АСТ Москва, 2010; Альфонсо Молина. Вопросы и вызовы в эволюции мультимедиа // Фьючерс. Том. 29. Отпечатано в Великобритании. 1997. №3 и др.

²² Землянова Л.М. Коммуникативистика и средства информации. Англо-русский толковый словарь концепций и терминов. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2004; Андрюшина Е. Видеоплатформы и их использование // Интернет и интерактивные электронные медиа: исследования 2011. – М.: Факультет журналистики МГУ, 2011; Интернет-СМИ: теория и практика. Уч. пос. для студентов вузов. / Под ред М.М.Лукиной. М.: Аспект Пресс, 2010; Чимарев С.Ю. Новые медиа в современной массовой коммуникации // Журналистская профессия в системе цивилизации и культуры в информационном постиндустриальном обществе. Мат. межд. науч.-практ. конф. (19-20 ноября 2012 г.). Под ред. М.Г.Боровик, Г.С.Мельник. СПб: Санкт-Петербургский институт гуманитарного образования: ООО «Книжный Дом», 2012; Кульчицкая Д. Мультимедиа и постмодернизм: попытка теоретического осмысления двух явлений // Медиаальманах. Факультет журналистики МГУ. 2014. № 2; Симакова С.И. Дата-журналистика как медиатренд // Вестник Челябинского университета. 2014. № 2; Осиповская Е.А. Технологии виртуальной реальности как новый инструмент журналистики // Вестник Новосибирского ГУ. Серия: история, филология. 2018. Т. 17. № 6. Журналистика; Вартанова Е.Л. От модерна к постмодерну в медиа [Электронный ресурс] / Е.Л.Вартанова (URL: http://www.journ.msu.ru/blog/blog_vartanovoy); Полуэхтова И.А. Медиасреда и медиа-бизнес в цифровую эпоху [Текст] / И.А.Полуэхтова // Теория и практика медиарекламных исследований. – М., 2001 и др.

²³ Современная журналистика. Уч. пос. Руководитель проекта: докт. ист. наук К.Т.Ирназаров. Т.: “Zar qalam”, 2006; «Онлайн журналистика ва медиаларда янги трендлар», «Лингвистическое общество Германии «Gesellschaft für deutsche Sprache» в 1995 г. объявило, что термин «мультимедиа» стало словом года» (Муратова Н., Косимова Н., Алимова Г. и др. Онлайн журналистика ва медиаларда янги трендлар. Матн. Т. 7. Т.: «Ўзбекистон», 2019 и др. М.Нурутдинова. Мультимедиавий жанрлар таснифи. Монография. Тошкент.: Tamaddun, 2021., Нурутдинова М.Ч. Интернет журналистика–рақамли тенгсизлик асри // Ўзбекистон матбуоти. – Т., 2017. – № 3. – Б. 38 – 40., Нурутдинова М.Ч. Онлайн журналистика медиа компетенцияси таҳлили // ЎЗМУ хабарлари. – Т., 2018. – № 1/5. – Б. 447-450., Нурутдинова М.Ч. Интернет журналистикада мультимедиа воситалари таснифи // Филология масалалари. – Т., 2018. – № 1.– Б. 135-140., Нурутдинова М.Ч. Fundamentals of Multimedia Journalism in Media Convergence// International journal for social studies/ Indian journal of research. ISSN: 2455-3220 Volume 05 Issue 11 November 2019 year. – Б. 14-22.

бошқалар жиддий изланиш олиб бормоқда. Биз танлаган контекстдаги бу муаммо ҳозиргача Ўзбекистонда ҳар томонлама ва яхлит равишда ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети “Рақамли журналистикани ривожлантириш назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Интернет ОАВни мультимедиа журналистикаси учун алоҳида медиа тизими ва платформа сифатида очиб бериш ҳамда журналистикада мультимедиа ёндашувининг назарий асослари ва методологиясини, мультимедиа шароитида ишлаётган журналистлар амалий фаолиятининг умумий қонуниятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий ва халқаро миқёсда ахборот маконини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ёритиш;

Интернет журналистикаси соҳасидаги маҳаллий мутахассислар фаолиятини баҳолаш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш, Интернет тармоғида ишлаш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ касбий йўриқномаларини кўрсатиш, журналистик маҳорат ва янгилик тайёрлаш хусусиятларини тадқиқ қилиш;

янги ахборот технологиялари ва сунъий интеллект, конвергенция ва мультимедиа шароитида журналистика фаолияти омилларини таҳлил қилиш;

мультимедиа журналистикасининг шаклланиш босқичлари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ўрганиш;

журналистиканинг юқори самарадорлигига эришиш усули сифатида каналлар комбинациясини тадқиқ этиш;

янги шароитда рақамли технологияларнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

мультимедиа журналистикасининг умумий ва хусусий параметрларини аниқлаш;

ҳар турдаги оммавий ахборот воситаларининг универсал комбинацияси таъйинини тадқиқ қилиш;

мультимедиа журналистикаси контекстида ахборотни намойиш қилиш ва таъсир этиш усулларини аниқлаш;

мультимедиа журналистикаси шароитида аудитория билан ўзаро таъсир механизмининг очиб бериш;

мультимедиа контентини нуктаи назаридан монетизация масалалари ва интернет тармоғида маҳаллий ОАВни ривожлантириш истиқболларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мультимедиа журналистикаси учун медиаплатформа вазифасини ўтаётган онлайн нашрларда мультимедиа журналистикаси шаклида тайёрланган дастурлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Россия, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар онлайн медиаплатформаларидан жой олган мультимедиа журналистикаси асарларининг концептуал ва таркибий тузилиши,

контенти, ижодий жараёнлари ва қонуниятлари, фойдаланиладиган кўплаб ўзига хос усуллар, ижодий ёндашув ҳамда йўналишлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда назарий ва эмпирик тадқиқотнинг тавсифловчи, қиёсий таҳлил, контекстуал талқин, сўровнома, анализ ва синтез, контент таҳлил, шунингдек, тарихий, экспериментал, эволюцион тадқиқот усуллари мажмуи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

мультимедиа журналистикаси ривожланишидаги интерактивлик, иммерсивлик, интегративликнинг оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий фаолиятида намоён бўлиши ва ҳар бири ўзига хос аниқ хусусиятларга эга бўлган (босма, радио, телевидение, интернет) каналларни бирлаштириши мультимедиа журналистикасининг етакчи шarti эканлиги далилланган;

лонгридларнинг замонавий журналистикада мультимедиа алоқа воситаси сифатидаги фазилатлари ҳамда уларнинг концептуал, таркибий, лингвистик ва функционал хусусиятлари аниқланган;

мультимедиа журналистикаси шароитида таҳририятлар фаолиятини ўзгартиришнинг ташкилий шакллари ҳамда ижодий усуллари, якка ва жамоавий фаолият шартлари ва самарадорлиги аниқланиб, мультимедиа ишлаб чиқариш ижодий фаолиятнинг уч босқичли занжир – ишлаб чиқаришгача тайёргарлик босқичи (*pre-production*) – ишлаб чиқариш босқичи (*production*) – нашр (*post-production*) босқичларига асослангани исботланган;

мультимедиа журналистикасида ахборотни тақдим этишда матн, овоз, тасвир, графика, видео каби шаклларнинг ўзаро уйғунликда тақдим этиш асосида мультимедиа материал таркибидаги план ва композициянинг динамик эволюцияси аниқланган;

мультимедиа журналистикасининг интерактивликка асосланганлиги журналист ва фойдаланувчилар ўртасида анъанавий “субъект–объект” эмас, “субъект–субъект” концепцияси асосида ҳамкорликда ижод қилишга имконият бериши натижасида икки томонда ҳам медиа хулқ-атворнинг янги қирраларини очаётгани ва аудиториянинг журналистик фаолиятга ҳам ташкилий, ҳам ижодий жиҳатдан жалб этилиши кўлами кенгайиб бориши далилланган;

бугунги кунда барча учун очик бўлган ижтимоий тармоқларда мультимедиавийлик сифатининг кескин ўсиши билан боғлиқ равишда мультимедиа саводхонлик медиасаводхонликнинг бир қисмига айланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

келгуси тадқиқотлар учун мультимедиа журналистикасини ўрганишнинг назарий ва амалий модели яратилди ва шу асосда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

мультимедиа материалларини тайёрлашнинг ижодий параметрлари билан боғлиқ тавсиялар таклиф этилган бўлиб, улар тегишли олий ўқув юртлари учун дарслик, ўқув қўлланма ва электрон луғатлар яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

мультимедиа материалларини тайёрлаш бўйича ишланмаларни, хусусан, турини, жанр хусусиятларини танлашда ва медиа-мутахассислар кўникмаларини ривожлантиришда комплекс ёндашув таклиф қилинган, улар бакалаврият ва

магистратура босқичи талабалари учун Челябинскда 2018 йилда нашр этилган мутахассисларни жамоада ишлаш кўникмаларини ва лойиҳага асосланган таълимни ривожлантиришга қаратилган “Универсальная журналистика: опыт проектного обучения” (“Универсал журналистика: лойиҳалар устида ишлашга асосланган таълим тажрибаси”) номли халқаро дарсликда ўз аксини топган;

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети бакалавриат босқичи талабалари учун “Мультимедиа журналистикаси”, “Оммавий ахборот воситаларида медиа лойиҳаларни бошқариш”, “Медиатаълим” фанларидан маъруза матнлари, тақдимотлар ва видеоматериаллар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришда, конференцияларда тақдимотлар ўтказишда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида коммуникация технологиялари бўйича семинарлар ўтказишда ҳам фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги фундаментал илмий адабиётлардан фойдаланиш, шу асосда мультимедиа журналистикаси назарияси ва амалиётини тадқиқ қилиш бўйича фундаментал концепция ишлаб чиқиш, шунингдек, америкалик ва рус журналистлари томонидан яратилган кўплаб мультимедиа дастурлари намуналарини ўрганишда ақс этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мультимедиа журналистикаси асарларининг умумлаштирилган назарий тузилишини аниқлаш ва тизимли ўрганиш, бундай масалаларни яратишнинг ягона методологиясини ишлаб чиқиш, шу турдаги дастурларни ўрганиш бўйича илмий тавсиялар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан гуманитар университетларда медиа таълими, стилистика, журналистика ва медиа менежмент бўйича маъруза ва семинарларда ўқув жараёнида фойдаланишга, амалиётчи журналистларга мультимедиа дастурларини яратишнинг амалий жиҳатларини, каналларнинг ўзаро қоришуви натижасида вужудга келган ўзига хосликлар ва мультимедиа асарлари яратишнинг бошқа шакллари билишга қаратилган амалиётчилар учун мастер-класслар ўтказишга, журналистика ва сиёсатшунослик курсларида адресатга максимал таъсир кўрсатиш мақсадида алоқа технологияларидан фойдаланишга хизмат қилувчи услубий қўлланмалар, тавсиялар яратишда, махсус курс ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. ОАВ материалларини таҳлил қилиш, тавсифлаш, таснифлаш натижасида олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

мультимедиа журналистикаси назарий ва амалий хусусиятлари, мультимедиа журналистикасида ахборотни тақдим этишда турли медиа воситаларнинг ўзаро уйғунлиги ва контентнинг динамик эволюцияси бўйича олинган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019-йилдаги қарори билан нашр этилган журналистика бўйича ўн жилдлик китобга асос бўлиб хизмат қилган (Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 8-августдаги 18-3228-сон маълумотномаси). Натижада ОАВ ва журналистикага оид замонавий адабиётлар ва нашрларнинг йўқлиги, ушбу босқичда замонавий

оммавий ахборот воситаларининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг назарий ёритилиши, жумладан, “Онлайн журналистика ва янги медиа йўналишлари” номли нашрнинг еттинчи жилди диссертант раҳбарлигида тайёрланган бўлиб, бевосита мазкур диссертация ишида акс этирилган материалларни ўз ичига олади;

лонгридларнинг замонавий журналистикада мультимедиа алоқа воситаси сифатида фазилатлари ва уларнинг концептуал, таркибий, лингвистик ҳамда функционал хусусиятларининг назарий ва амалий таҳлили янги ўқув фанларини яратишга асос бўлиб, журналистларни тайёрлаш жараёнига ўзгариш олиб кирган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим вазирлигининг 2022-йил 19-апрелдаги 89-02-469-сон маълумотномаси). Натижада ВА60320100 бакалаврият таълим йўналиши учун иккита янги фаннинг (“Мультимедиа журналистикаси”; “Онлайн медиада аудиоподкаст ва спичрайтинг”) намунавий дастурини ишлаб чиқишга ҳамда ЎзЖОКУ магистратура мутахассислиги учун “Интернетда медиалойиҳалар ва бошқарув” номли махсус фанни киритишга асос бўлган;

диссертациядаги мультимедиа саводхонлик медиасаводхонликнинг бир қисмига айланиши юзасидан аниқланган натижалар Буюк Британия ҳукумати томонидан молиялаштирилган “Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳиятини кучайтириш – II фаза” лойиҳаси доирасида фойдаланилган (ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг 2022-йил 9-июндаги CM-FU-TAS-2022-007508-сон маълумотномаси). Натижада оммавий ахборот воситалари ва ахборот саводхонлигини шакллантиришнинг концептуал ёндашувлари, журналистика таълимида медиа ва ахборот саводхонлиги тамойиллари ишлаб чиқилган ва ҳамма учун очик бўлган ижтимоий тармоқларда мультимедиавийлик сифатининг кескин ошишига хизмат қилган мультимедиавий саводхонлик медиасаводхонликнинг бир қисмига айланиши исботланган;

диссертация доирасидаги амалга оширилган контент таҳлил натижалари ва мультимедиа жамоасида таҳририят ишини ташкил этиш бўйича таклиф этилаётган ишланмалар, шунингдек, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатлари, назария ва амалиёт уйғунлигини асослаб берувчи умумий оммавий ахборот воситалари ва, хусусан, онлайн ОАВ сифатини яхшилаш бўйича таклифлар сифатида тақдим этилган (Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 2022-йил 26-июлдаги 01-18/362-сон маълумотномаси). Натижада 2022-йил 27-июндаги “Мамлакатда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-294-сонли қарори таҳририятлар негизида журналистиканинг оммавий ахборот воситаларида воқеаларни ёритишда мультимедиа компонентини оширишга қаратилган бўлиб, ушбу стандартнинг 2-иловасида тадқиқотда ишлаб чиқилган истиқбол ва таклифлар ўз аксини топган;

мультимедиа журналистикасининг фаолият методологияси, предмет ва объектнинг таҳлили асосида оммавий ахборот воситаларини ўрганиш ҳамда медиасаводхонликни ошириш бўйича “Аудио Луғат” мультимедиа қўлланмасини ишлаб чиқиш, муаллифлик патентини олиш учун асос бўлган (“Интеллектуал Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Мулк маркази”нинг 2022-йил 4-августдаги 004995-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида турли медиа форматлардан (аудио, видео, расм, овозли матн) фойдаланиб, чет тилида оммавий

ахборот воситалари соҳасини ўрганишга ёрдам бериб, шу билан ногиронларнинг медиа орқали ижтимоийлашуви имкониятларини кенгайтирган;

интерактивликка асосланган мультимедиа журналистикаси “субъект–субъект” концепцияси асосида онлайн материалларни тайёрлашнинг мультимедиа параметрлари бўйича таклифлар, шунингдек, ҳар турдаги медиаматериалларни бирлаштириш, коммуникация технологиялари нуқтаи назаридан нашрлар амалиётига жорий этиш бўйича тавсиялар “Янги Ўзбекистон – Правда Востока” газетаси қўшма таҳририяти томонидан қабул қилиниб, журналистик фаолиятда фойдаланиш учун таҳририят жамоасида муҳокама қилинди ва диссертантнинг тавсиялари асосида ахборот материалларини диверсификация қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда мультимедиа коммуникация технологиялари нуқтаи назаридан нашрлар тайёрланиб, амалиётга жорий этилган (“Янги Ўзбекистон – Правда Востока” газетаси қўшма таҳририятининг 2022-йил 7-майдаги 3-сон маълумотнома). Натижада диссертантнинг таклифлари “Янги Ўзбекистон – Правда Востока” газетаси таҳририяти журналистлари амалиётига таъсир кўрсатиб, сайт учун мультимедиа элементларини уйғунлаштирган ҳолда ахборот материалларини тайёрлашга таъсир кўрсатди, нашрларнинг мазмуни, шаклини маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 9 та илмий-амалий конференция ва семинарларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, шундан республика журналларида 8 та, хорижий нашрларда 3 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 247 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ахборот технологияларининг замонавий журналистика билан боғлиқлик характеристикалари: мультимедиа журналистикасининг тушунчаси, шаклланиши ва хусусиятлари**” деб

номланган бўлиб, учта фаслдан иборат. Ушбу бобда мультимедиа журналистикасининг ривожланиши билан боғлиқ назарий ёндашувлар ва тушунчалар кўриб чиқилади. Асосий коммуникация технологияларидан оммавий ахборот воситаларида сунъий интеллектни ривожлантиришгача бўлган илмий, назарий жиҳатлар ва эмпирик материаллар таҳлил қилинади. Ишнинг дастлабки фаслида янги коммуникация технологияларининг пайдо бўлиши ва оммавий ахборот воситалари, ахборот маконининг кенгайиши ўртасидаги боғлиқлик асосланади.

Бугунги кунда мультимедиа воситаларини кўпайтириш, медиа конвергенциясини ривожлантириш ва сунъий интеллектни жорий этиш билан кечаётган технологик муҳитда журналистика соҳасидаги баъзи муаллифлар бир-бирига яқин ва мазмунан ўхшаш хулоса чиқармоқдалар. Хусусан, “Мультимедиа журналистикаси”²⁴ китоби муаллифлари жамиятни қуйидагича тавсифлайди: “... биз яшаётган дунё оммавий ахборот воситалари билан тўйинган. Замонавий жамият учун ходисаларнинг бир қатор муҳим хусусиятлари (медиясаводхонлик, медиа маданияти, медиа технологиялари, медиа майдони ва бошқалар) учун умумий бўлган “медиа” сўзининг ўзи ҳали ҳам мутахассислар томонидан ҳаддан ташқари тор, кейин ҳаддан ташқари “кенг” тарзда талқин қилинмоқда, сўзнинг ўзи турли хил тушунча ва талқинларга эга. Шунингдек, медиа ходисаси кўплаб афсоналар ва стереотиплар билан бирга келади, бу эса уни нотўғри талқин қилишга олиб келади ва бу ҳақда аниқ фикр айтишни қийинлаштиради”²⁵.

Мультимедиавийлашув конвергенция жараёнининг натижасидир. Ҳозирги вақтда ушбу икки концепцияга бағишланган тадқиқотлар сони ортиб бормоқда, аммо мутахассисларнинг бу тушунчалар бўйича ёндашувлари турлича, шу сабаб олимлар ва амалиётчи журналистлар ўртасида улар юзасидан яхлит тўхтамга келинмаган. Конвергенция мультимедиага қараганда ўз моҳиятига кўра глобалроқ, умумийроқ жараёндир. Д.Ю.Кулчицкая ушбу икки ходиса ўртасидаги фарқни шундай кўрсатади: *конвергенция замонавий оммавий ахборот воситаларида modus vivendi, мультимедиа эса modus operandi атамаси қўлланилади*. Иккинчи истилоҳ амалий хусусиятга эга ва торроқ тушунча ҳисобланади. Турли хил техник қурилмаларнинг интеграцияси ва контентни рақамлаштириш мультимедиа ишларининг мавжудлигини амалга оширишга имкон берди.

Мультимедиа тизимлари тарихи ва уларнинг эволюцияси ҳақидаги манбада ушбу тизим қуйидагича ифодаланган: “... бугунги кунда мультимедиа индивидиал фойдаланувчиларга юқори даражадаги назорат ва ўзаро таъсирни таъминлашга хизмат қилувчи матн, графика, анимация, овоз, ҳаракатсиз тасвирлар ва ҳаракатланувчи видеони узлуксиз рақамли интеграция сифатида таърифлаш мумкин, мультимедиа эволюцияси эса технологияларнинг пайдо

²⁴ Мультимедийная журналистика [Текст]: учебник для вузов / под общ. ред. А. Г. Качкаевой, С. А. Шомовой; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2017. – (Учебники Высшей школы экономики). – С. 55. <https://iknigi.net/avtor-kollektiv-avtorov/144366-multimediynaya-zhurnalistika-kollektiv-avtorov/read/page-3.html>, обращение к ресурсу 19.10.2020.

²⁵ Мультимедийная журналистика [Текст]: учебник для вузов / под общ. ред. А. Г. Качкаевой, С. А. Шомовой; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2017. – (Учебники Высшей школы экономики). – С. 55 - <https://iknigi.net/avtor-kollektiv-avtorov/144366-multimediynaya-zhurnalistika-kollektiv-avtorov/read/page-3.html>, обращение к ресурсу 19.10.2020.

бўлиши ва яқинлашиш босқичларини босиб ўтган жараёндинир”²⁶. “Хорижий сўзларнинг янги луғати”да эса куйидаги қисқача “Мультимедиа (инглизча multimedia, лот. multum – кўп + media – ўрта фокус дегани) ахборот узатишнинг турли воситалари – матн, товуш, тасвир, анимация ва бошқалар”²⁷ деган таъриф берилган. Ҳозирда бу тушунчанинг анча кўп вариантлари мавжуд, И.И.Романовский биринчилардан бўлиб унинг техник ва технологик хусусиятини очиб берувчи таърифни шакллантиради ва “Мультимедиа – интерфаол режимда компьютер қурилмаларининг матнли, график ва товуш имкониятларидан фойдаланишга асосланган ахборотни акс эттиришнинг компьютерга мосланган усулидир” деб изоҳлайди²⁸. Кейинчалик Оксфорднинг медиа ва коммуникация бўйича луғатида (Oxford Dictionary of Media and Communication) “Мультимедиа – бу рақамли технология бўлиб, матн, аудио, видеонинг турли шакллари бирлаштиради” деб изоҳланади²⁹.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш жараёнида мультимедианинг турли таърифлари ўрганилди, улар орасида Техас университетининг медиа бўйича мутахассиси Е.Зерба “Мультимедиа – бу журналистиканинг динамик шакли, у ахборот беришда интерактивликдан фойдаланади ва шу билан аудиторияни бирлаштиришга хизмат қилади”³⁰ дейди. Ушбу атамага ёндашишда аниқ таърифни шакллантириш учун 2001 йилда “New York Times” журналининг муҳаррири бўлиб фаолият олиб борган Е.Зерба қизиқ тадқиқот ўтказди, у мультимедиа материаллари билан ишлайдиган етти нафар журналист ва муҳаррирлар ўртасида сўровнома ташкил қилади. Натижалар шуни кўрсатадики, журналистлар учун “*мультимедиа – бу битта материалда матн, фото, аудио, видео, графиканинг комбинациясидир, самарали ва яхши мультимедиа материал эса шу материал таркибидаги – сифатли матн, фото, аудио, видео, графика уйғунлигидир.* Сўровномада қатнашган экспертлар журналистикада мультимедианинг асосий вазифасини иккига ажратишган: 1) фойдаланувчилар эътиборини жалб қилиш; 2) ахборот узатиш имкониятларини кенгайтириш”³¹.

Москва давлат университети тадқиқотчиси Д.Кулчицкая журналистикада мультимедиавийлик борасида икки америкалик олим П.Пакер ва К.Жордан томонидан айтиб ўтилган ўзига хос хусусиятларни келтиради: *мультимедиа табиатига кўра очиқ, демократик, иерархик бўлмаган, ўзгарувчан, кўп қиррали ва инклюзив ҳодисадир*”³².

Мультимедиа режимида ишлайдиган журналистлар тобора тезлашиб бораётган яна бир замонавий тенденцияни ҳисобга олишлари керак, бугунги фойдаланувчилар компьютер ўрнига мобил телефонлардан маълумот олишга ўтмоқдалар. Бу эса журналистик фаолиятда қисқа сарлавҳалар ва “клип

²⁶ History of Multimedia Technology (1997). Swinburne, University of Technology TAFE Division. – С. 12.

²⁷ Новый словарь иностранных слов. Минск: Современный литератор, 2008. – С. 603.

²⁸ Романовский И.И. Масс медиа. Словарь терминов и понятий. – М.: Изд-во Союза журналистов России. – 2004. – С. 230.

²⁹ Daniel Chandler and Rod Munday. Oxford Dictionary of Media and Communication. // <http://www.oxfordreference.com>. (2016)

³⁰ Stencil M. Defining Multimedia Journalism. // <https://online.journalism.utexas.edu> (2004)

³¹ Zerba A. Redefining Multimedia Toward a More Packaged Journalism Online. // Paper presented at the Fifth International Symposium on Online Journalism, Austin. 16.04.2004. 3-р

³² Кульчицкая Д.Ю. (2012). Истоки мультимедийности в традиционных журналистских жанрах. Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика, (3), 94-100.

тафаккур”дан тортиб, ихчам тақдимот ва мини-фотосуратларга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан қайта куриш зарурлигига олиб келади. Ўз навбатида, планшетларнинг оммалашиб бораётганига ҳам тўхталиш жоиз. Ривожланган мамлакатларнинг амалиёти шуни кўрсатадики, маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида планшетлар компьютерларни аста-секин сиқиб чиқармоқда. Бу эса воқеаларнинг вақт кетма-кетлигида узатиш каби чизиқли технологиянинг инқирозга учраётганини кўрсатади ва янги “anytime” – маълумотни “ҳар доим”, “ҳар ерда” олиш ва узатиш тартибига ўтишни тақозо этади, чунки янги технология вақт категориясига янгича ёндашув зарурлигини кўрсатиб, маълумот олиш, қайта ишлаш ва юборишда “исталган вақт”, “исталган жойда” режимида ишлаш имкониятини яратди. Бундай ўзгаришлар баъзан фавқулодда қизиқарли натижалар бериши мумкин, масалан, ушбу вариантда журналистик материал билан ҳатто чоп этишдан олдин, буюртма асосида танишиб чиқишга ҳам имконият яратиши мумкин.

Иккинчи концепция М.М.Лукина таҳрири остида чоп этилган тадқиқотда ўз аксини топган бўлиб, унинг муаллифлари интерактив мулоқотнинг уч турини ажратадилар: 1) одамлар ва ҳужжатлар; 2) одамлар ва технологиялар; 3) одамлар ва одамлар³³. Бу дегани журналистика соҳаси ахборот алмашинуви асносида ўсиб бораётган эҳтиёжларга ўз вақтида жавоб беришга ҳаракат қилиб, ўзининг турлари, йўналишлари, шунингдек, маълумот тўплаш, қайта ишлаш усуллари кенгайтирмоқда. Айни пайтда эса унинг энг муҳим таркибий қисми замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўлмоқда. Бунинг натижасида юзага келаётган электрон журналистика дифференциацияси (турлари) эса нафақат жамият ҳаётининг барча жабҳаларини имкон қадар кенг қамраб олишга, балки бу жараёнга тобора кўпроқ иштирокчиларни жалб этишга имкон бермоқда.

Тадқиқот ишида мультимедиа журналистикасининг шаклланиш босқичлари ва тарихини ўрганиш занжирли ёндашув асосида ҳодисанинг техник жиҳатларидан то эстетик хусусиятларигача ўрганишга қаратилган. Бу каби ёндашув илгари амалга оширилмагани сабабли ушбу гипотеза бир қанча саволларни туғдириши мумкин. Ишнинг шу қисмидаги изланишлар натижасида “мульти”, “мультипликация”, “мультимедиавийлик” ва уларга яқин тушунчалар журналистика билан боғлиқ эмаслиги аниқланди, улар кенгроқ маънога эга бўлиб, ўтмиши журналистика пайдо бўлганига қадар бўлган пайтга бориб тақалади деган хулосага келинди. Яъни, диссертацияда мультимедиавийликнинг кенгроқ хусусиятга эга тарихий жиҳати ва замонавий маъноси мавжудлиги исботланади. У қадимги даврданок мавжуд бўлган ходиса сифатида коммуникация жараёнида таъсирчанликни орттириш учун имо-ишоралар ва нутқнинг, тасвир ва матннинг уйғунлигида маълумот бериш ҳодисаси билан изоҳланади.

Буларга асосан фикримизча, кенг маънода мультимедиа, тарихий ретроспективликка эга ва мазкур диссертацияда мультимедиа журналистикаси шаклланишининг учта босқичи ажратилиши мумкин, улар маълум жиҳатдан, Э.Тоффлернинг³⁴ жамият тараққиётининг уч босқичли даврлаштирилиши – “аграр, индустриал ва супериндустриал (ахборот асри)” босқичлар билан мос

³³ См. Интернет-СМИ. Теория и практика (Текст). Под ред. М.М.Лукиной. – М., 2010.

³⁴ Тоффлер Э. Третья волна. Пер. с англ. М.: АСТ: АСТ Москва, 2010. – С. 43-44.

келади. Хусусан, мазкур тадқиқот иши ракурсида улар қуйидаги босқичларга бўлинган:

биринчи босқич – *журналистикагача бўлган мультимедиавийлик даври*, бу антик даврнинг дастлабки коммуникация элементларидан Гутенбергнинг босмахона ихтиросигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бунда медиа деганда оммавий ахборот воситалари эмас, балки ахборотни оммага етказувчи воситалар назарда тутилади. Ахборотни синхрон етказиб беришнинг турли каналлари орқали муқаррар равишда истеъмолчига мультимедиавий таъсир амалга оширилади;

иккинчи босқич – *классик мультимедиавийлик даври* мультимедиа тарихидаги энг муҳимларидан бири, чунки айнан шу ерда унинг амалий асослари яратилган эди. Унга кўра, биз аввал ҳал қилувчи роль ўйнайдиган кўп каналли оммавий ахборот воситаларининг тўқнашувини, иккинчидан, ушбу тўқнашувни оммавий аудитория томонидан жуда самарали деб қабул қилишни тушунамиз. Классик мультимедиавийликни анъанавий оммавий ахборот воситаларининг мультимедиа табиати, яъни томошабинлар учун ва ҳар бир фойдаланувчи онгида классик босма, радио ва телевидениенинг биргаликдаги таъсирининг бир вақтнинг ўзида уйғунлашуви сифатида деб тушуниш керак. Ушбу жараён 1894-96 йилларда Гуглиелмо Маркони томонидан радио ихтиро қилинганидан сўнг бошланди, кейинчалик у физика бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди. Босма нашрлар ва радиоэшиттиришларнинг янги даражага кўтарилиши билан уларнинг мультимедиавий таркиби муқаррар равишда ортди;

учинчи босқич – *постклассик мультимедиавийлик даври* бўлиб, замонавий маънода Э.Тоффлернинг супериндустриал даврига тўғри келади, бу ахборот асрининг замонавий мультимедиавий табиатидир. Мазкур ишда тадқиқот қамрови, асосан, айнан шу даврга, постклассик мультимедиа даврига бағишланган. Тадқиқотимизга кўра, идрок этиш ва ахборотни қабул қилиш нуқтаи назаридан мультимедиа инсон табиатининг энг муҳим ва аҳамиятли жиҳатларидан биридир. Чунки инсонлар учун бу тезкор, кўп томонлама ва хилма-хил оммавий ахборотни истеъмол қилиш демақдир. Альфонсо Молина постклассик мультимедианинг бевосита тарихи ҳақида ёзар экан, шундай дейди: “электрон” газетанинг биринчи жиддий прототиплари ва ахборот узатиш хизматлари XX аср 70-йилларнинг охири ва 80-йиллар бошида пайдо бўла бошлади. Айнан шу пайтда персоналлашган интерактив янгиликлар тизими концепцияси асосида матн, аудио, ҳаракатли тасвирлар, анимация ва видеодан фойдаланишни тўлиқ бирлаштирган ҳолда узатиш тизими шакллана бошлади. Масалан, 1970-йилларнинг охирларида МИТ электрон нашрлар устида иш бошлади ва 1980-йилларнинг бошларида Медиа Лаб 5 асосан Никола Негропonte бошчилигидаги Machine гуруҳининг ишига асосланиб ташкил этилди”³⁵.

Постклассик давр мультимедиа журналистикасининг ўзига хос қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

–аудиториянинг янги технологиялар ва техникаларга жуда тез кўникиши;

³⁵ Альфонсо Молина. Вопросы и вызовы в эволюции мультимедиа // Фьючерс. Том. 29. Отпечатано в Великобритании, 1997. №3. – С. 194.

–аудиториянинг долзарб, муҳим ахборотларга бўлган сўровларининг доимий равишда ўсиб бориши;

–ахборот узатувчиларнинг (оммавий ахборот воситалари, агентликлар, корпорациялар, таҳририятлар, ахборот хизматлари ва бошқа манбалар) фаолият шакллари ва усулларида сезиларли ўзгаришларнинг юзага келиши;

–оммавий ахборот воситаларида янги техника ва технологияларни қўллашнинг тобора ортиши;

–оммавий ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, жўнатиш ва сақлашнинг журналистик усуллари (техникаси)нинг тез ривожланиши;

–журналистларнинг замонавий техника ва технологик жараёнларни ўзлаштиришга бўлган профессионал малакани ошириш эҳтиёжининг доимий ўсиб бориши;

–ахборот оқими тезликларини инобатга олган ҳолда журналистларнинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариш учун юқори тезликда ишлаш қобилиятига талаб ортиши;

–технологик ривожланиш, аудитория эҳтиёжлари, таҳририят талабларидан келиб чиқиб журналистларда янгича контент яратиш кўникмаларини ривожлантириш зарурати.

Яъни, постклассик мультимедиа моҳиятига кўра, у нафақат классик давр мультимедиавийлигининг асосий сифатларини бойитишда давом этади (бу аслида мультимедиа тарихидаги биринчи инқилоб эди), балки постклассик оммавий ахборот воситаларида янги технологияларнинг қўллай бошланиши билан кечаётган наинки техник, балки ижодий янгиланишларни ҳам жорий этади, бойитади ва диверсификация қилади (иккинчи инқилоб).

Диссертациянинг иккинчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, **“Мультимедиа журналистикасининг фаолият методологияси, предмет ва объектининг функциялари”** деб номланган. Ишнинг бу қисми мультимедиа журналистикасининг самарадорлигини ошириш ва рақамли технологиялар таъсири остида юзага келаётган ахборот каналларининг бирлашуви ва жанрларнинг гибридлашуви ҳамда бунинг натижасида долзарблик касб этаётган мультимедиа таҳририятларида ижодий жамоа фаолиятининг моҳияти, иш услуби ва методологияси таҳлилига бағишланган.

Мазкур бобда биринчи галда кўтарилган масала – журналистикада турли хил медиа каналларининг ўзаро бирлашиши жараёнида қандай ўзгаришлар юзага келиши борасидадир. Мультимедиавийликка бир вақтнинг ўзида бир нечта воситаларни биргаликда қўллаган ҳолда аудиторияга таъсир қилиш нуқтаи назаридан ёндашганда, бу ахборот истеъмолчисида параллел равишда эшитиш, кўриш, сезиш ва тактил алоқа орқали таъсир кўрсатилишини тақозо этади, бу туйғулар, биламизки, кўп асрлар давомида инсонга таъсири жиҳатидан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келган. Бунинг моҳиятини А.Г.Качкаева мультимедиаининг ўзига хос хусусияти сифатида “... агар бошқа барча алоқа усуллари (тасвир, овоз, оғзаки ва ёзма нутқ)нинг ўзига хос тили мавжуд бўлса, мультимедиада турли тилларнинг комбинацияси намён бўлади” деб ёзади³⁶.

³⁶ Качкаева А.Г. Журналистика и конвергенция. Почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные. М., 2010. – С. 18.

Мультимедиавийлик жиҳатидан каналларнинг бирлашишини эса икки асосий даражада кузатиш мумкин: 1) бир медиа канал таркибида, бу ерда у камроқ намоён бўлса-да мавжуд; 2) турли медиа каналларнинг ўзаро бирлашуви, бунда у яққолроқ намоён бўлади, чунки айнан медиа каналларнинг кўплиги ва турлича экани мультимедиавийлик ёки мультиплатформа ҳолати кучлироқ намоён бўлишига туртки бўлади. Шу маънода, турли хил медиа каналларининг интеграциясига таниқли футуролог олим М.Маклюэн берган эътибор аҳамиятли, унинг фикрича, бирлашган оммавий коммуникация воситаларининг таъсири ядро бомбаси таъсирига тенг. У шундай ёзади: “каналлар бирлашиши ёки коммуникация воситаларининг гибрид комбинациялари ядро бўлиниши ёки термоядро синтези пайтида ажралиб чиқадиган янги куч ва энергия сингаридир”.

Баъзи муаллифлар айрим техник воситаларнинг такомиллашган вариантларга ўзгаришини ҳам яна бир муҳим даража сифатида баҳолайдилар. Бу борада медиа бўйича мутахассис Андрей Мирошниченко шундай ёзади: “Клавиатура билан сичқонча ўрнига тачскрин (сенсорли экран) кириб келмоқда, натижада ахборот қабул қилишга таъсир этувчи навигацион дизайн тамойилларида ўзгаришлар юзага келмоқда. “Гутенберг навигация дизайни” кўзлар учун мослаштирилган бўлса, “Мобиль навигация дизайни” бармоқлар учун мослаштирилмоқда. Сенсорли интерфейсининг кенг тарқалиши медиа сайтларининг мундарижаси (рўйхат, лента ва бошқа таркибий қисмлар)ни плитка (бўлақлар) шаклига ўзгаришига олиб келди”³⁷.

Оммавий ахборот воситаларининг мультимедиавийлик таркиби нафақат каналлараро бирлашиш жараёнида намоён бўлади, балки битта ахборот воситасида ҳам кўзга ташланади, масалан, бир турдаги оммавий ахборот воситаларида таркибан бир неча хил медиа мавжуд, босма нашрда фотосуратлар, декоратив элементлар, сарлавҳа комплекслари бор ва бу компонентлар йирик шрифтда бўлиб, матн эмас, тасвирий канал сифатида қабул қилинади. Телевидениеда эса ҳаракатланувчи сатр, қисқа матн, сарлавҳалар ҳам тасвир билан уйғунлашган ҳолда қўлланилади. Шу тарзда, гибрид усул, кўриб турганимиздек, анъанавий ОАВ таркибида аллақачон мавжуд, аммо бошқа турдаги медиа каналларнинг комбинацияси, бирлашуви, тектоник тўқнашув сингари жуда катта ўзгаришларга олиб келмоқда.

М.Маклюэн ўз таълимотида оммавий ахборот воситаларининг комбинацияси натижасида юзага келган оммавий коммуникациянинг янги канали ихтиро қилиниши ахборот етказишнинг янги имкониятларини яратади деб таъкидлайди. М.Маклюэннинг ўзи ушбу каналларни аниқлайди, тавсифлайди, башорат қилади, аммо гувоҳи бўлмайди, ундан кейинги авлод олимлари ўзларининг илмий изланишларида унинг фикрларини мультимедиа журналистикаси назариясига бирлаштирадилар.

Мультимедиа форматларга ўтаётган журналистик жанрлар сезиларли ўзгаришларга учрамоқда. Матнли маълумотлар овоз ва тасвирга, радио матн ва видеога, телевидение эса босма матнни ўзида мужассам этмоқда ва буларнинг барчаси журналистларнинг ижодий тафаккури ўсиши ҳамда журналистик

³⁷ Мирошниченко А. «Тачскрин против Гутенберга, или плитка против ленты». <https://jrnlst.ru/plitka-lenta>, обращение к ресурсу 9.09.20.

материалларни тақдим этишнинг самарадор усуллари кашф этиши учун улкан имкониятлар яратмоқда. Аммо технологияларнинг чексиз имкониятлари, асл, бирламчи маълумот (яъни воқеа, ҳодиса, факт)нинг моҳиятини ўзгартирмаслигига эришиш масаласи ҳамон долзарблик касб этади, чунки техника танланган объектни кенг ракурсада ёритиш билан бирга, унга ортиқча таъсир этиб сунъий бўрттирмаслиги муҳим.

Рақамлаштириш даври журналистларнинг фаолият усулларига жиддий таъсир этмоқда, бу борада икки параллел вазиятни кузатишимиз мумкин: якка ҳолда ишлайдиган мутахассислар камайиб, янги технологиялар билан қуролланган ижодий жамоалар даври келди, бошқа томондан эса, катта ижодий жамоалар ўрнини универсал журналистлар эгалламоқда. Биз таъкидлаётган ижод муҳитида визуал, овозли ва тасвирий материалларни бир форматга бирлаштириш учун контент мутахассислари, овоз муҳандислари ва фотосуратчилар бир жамоа бўлиб юқори тезликда ишлашлари талаб этилади, бунинг устига улар мультимедиа наллилик шароитида фаолият олиб боришга ҳам ўрганишлари керак. Буларнинг барчаси профессионал талабларни кучайтириб, “мономедиа журналистлари”нинг “мультимедиа журналистлари”га айланишини тақозо этмоқда.

Ижодий жамоа раҳбарлари ҳар куни бир хил қийин масалага дуч келади. Бир материал устида ишлаётган контент мутахассислари, дизайнерлар, овоз муҳандислари ва иллюстраторларнинг ҳар бири ўз қисмини тақдим этгач, материални бирлаштириш талаб этилади. Бу вақт ва қунт талаб этадиган вазифадир. Айрим таҳририятларда бу вазифани махсус мультимедиа продюсерлари амалга оширади. Мультимедиа продюсерлари медиа соҳасида янги фаолият тури бўлиб, кино, радио ва телевизион санъатнинг кесишувидаги, шунингдек, дастурий таъминот ва компьютер сингари фикрлашни ўзлаштирган янги профессионал ижодий соҳа ҳисобланади.

Рақамли жараёнлар, шунингдек, баён этишнинг янги усуллари кашф этиб, контентни турли янги жанр ва форматлар билан бойитмоқда. Мультимедиа материал деб ном олган бу каби ижодий маҳсулотлар ўзида таркибан матн, сурат, овоз, тасвири бирлаштирибгина қолмай, ўзининг доимий ижодий гуруҳига эга бўлган мини медиалойиҳалар сифатида шаклланади ва мустақил медиа маҳсулот даражасида ҳаёт циклини давом эттира олади.

“Мультимедиа муҳитида онлайн журналистларнинг фаолият методлари ва усуллари” номли уч фаслни ўз ичига олган учинчи бобда журналистиканинг янги турининг умумий касбий параметрлари, мультимедиа ижодкорлигини ривожлантиришда журналистларнинг янги касбий компетенциялари, мультимедиа журналистикасини ривожлантиришнинг ижодий ва технологик жиҳатлари ва истикболлари кўриб чиқилган.

Калифорния Сан-Диего университети профессори Л.Манович янги оммавий ахборот воситаларига хос беш тамойилни кўрсатади: “1) рақамли форматда узатиш (“янги медиа”нинг барча объектлари охир-оқибат рақамли код, яъни ноллар ва бирлар кетма-кетлиги); 2) модуллилиқ (“янги медиа”нинг ҳар бир элементи”... бир бутуннинг бир қисми, битта объект, масалан, веб-саҳифа веб-сайтнинг бир қисмидир), замонавий дунёда “янги медиа”нинг роли ва таъсири; 3) автоматлаштириш (дастлабки иккита принцип янги муҳит маҳсулотларини лойиҳалаш, фойдаланувчиларга кириш ва манипуляция қилиш билан боғлиқ

кўплаб операцияларни автоматлаштиришга имкон беради); 4) ўзгарувчанлик (янги оммавий ахборот воситаларининг объекти ўзгариши мумкин ва у чексиз кўп версияларда мавжуд бўлиши мумкин); 5) транскодлаш (бир рақамли форматни бошқасига тўғридан-тўғри таржима қилишни аниқлашчи профессионал атама)³⁸.

Янги журналистика параметрларини тўлиқ ва аниқ таснифлаш бир қатор сабабларга кўра мушкул саналади: 1) материалнинг тўлиқ тугалланмаганлиги, яъни чоп этилган медиа маҳсулотни доим янги матнлар, фотосуратлар, шарҳлар ва бошқа қўшимчалар билан бойитиб бориш, кенгайтириш имконияти; 2) ҳар хил турдаги ахборотларнинг бир медиа маҳсулотда бирлаштирилиши; 3) материалнинг ҳар бир қисми ўз “овози”ни, этюд тўлиқлигини сақлаб қолиши; 4) вақт векторини ўзгартириш имкониятлари, бир медиа материални янги усулда қайта тайёрлаб, қайта чоп этиш имконияти ва бошқа шу каби бир қанча жиҳатлар.

Журналист касби борасида жуда баҳсли мунозаралар мавжуд. Янги, ҳаддан зиёд ахборот юкига эга ва ўта маълумотларга тўйинган бугунги шароитда аудитория учун медиа координаторларнинг аҳамияти ортади, улар сирасига биз юқорида таъкидлаган журналистлар ҳам кириши мумкин. Бу журналист касбининг қийматини, янги ракурсини белгилайди. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар журналист, муаллиф ҳақида гапирганда, унга нисбатан аксиологик категория сифатида фикр юритадилар. Бундан келиб чиқадики, янги журналистиканинг истиқболи аудитория эътиборини бошқариш, у билан алоқа ўрнатиш, унинг диққатини жалб этиш кабилар билан белгиланади. Негаки, энди катта ҳажмдаги кўплаб ахборотлар қуршовида қолган аудитория ва жамоат фикрини шакллантириш медиа соҳаси вакиллари билан бирламчи вазифаси эмас, аксинча инсонларни медиа оламида фақат йўналтириш, хатто лозим бўлганда персонал ахборотни саралаш ҳисобланади.

Ўз навбатида, мультимедиа журналистикаси ушбу мутахассислик вакиллари учун янада профессионал ва ижодий шароитларда ишлаш зарурлигини кўрсатади. Материалларнинг турлари ва шунга мос равишда уларни нашрга тайёрлаш жараёни мураккаблашмоқда. Мультимедиа ёрдамида журналистга қўйиладиган талаблар анъанавий босма, радио ва телевидениега хос бўлган умумий қабул қилинган касбий ваколатлардан ташқарига чиқди, чунки улар компьютер, интернет ва ижтимоий тармоқлар билан кўпроқ ўзаро алоқаларни талаб қилади. Шундай қилиб, замонавий журналистнинг асосий касбий компетенцияларини ўрганиш зарурати туғилди. Шубҳасиз, умумий профессионал талаблар журналистнинг турли медиа соҳаларида етакчи мезон бўлиб қолади, бироқ интернет-журналист, тележурналистнинг, газета ёки журнал ходимининг профессионал компетенциялари бугунги замон талабидан келиб чиқиб, шубҳасиз, анча кенгайиб боради.

2006 йилда Европа мактаблари ва журналистика факультетлари Тарту шаҳрида асосий ўнта журналистик компетенцияни тавсифловчи декларация³⁹ имзоладилар, унга асосан, бўлғуси журналистлар шу компетенцияларга эга бўлиши айтилади, таҳлилга кўра, уларнинг орасида бир нечтаси ОАВнинг айнан мультимедиавийлик хусусиятларини инобатга олади. Бу борада журналист-

³⁸ Manovich L. The Language of New Media / MIT Press, 2001. – P. 49-63.

³⁹ Тартуская декларация 2006 г. // Josephi, B. (2008). Journalism education, in: Wahl-Jorgensen, K. E.a. (2008). The handbook of journalism studies. London: Routledge.

ларнинг “универсализацияси” ҳам тилга олинади, аммо ҳозирча аудиовизуал медиада бу нисбатан камроқ жорий этилган бўлиб, турли медиаплатформалар учун контент яратишга нисбатан эса кўпроқ қўлланилади.

2005 йилда “Ганнет” компаниясининг журналистлари туфайли яна бир янги – “мобил журналистлар” (mobile journalists, mojo) атамаси пайдо бўлди. Мобил журналистлар фрилансерлар бўлиб, одатда таҳририятда ўз иш жойига эга бўлмайди, кўпроқ воқеа жойида фаолият олиб боради, замонавий смартфонлар ёрдамида мультимедиа материалларини тайёрлайди, фото ва аудиоларни қайта ишлайди, тайёр медиа маҳсулотларни веб-сайтга мустақил юклаши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда кузатишлар шуни кўрсатадики, мобил журналистлар у ёки бу оммавий ахборот воситаларида ишлаш тажрибасига эгадир. Улар смартфонларда мавжуд мультимедиавий инструментлар билан ижодкор сифатида эркин, Интернет туфайли эса исталган медиа учун ишлаш имкониятига эга.

Шу пайтнинг ўзида эса, таҳририят журналистининг фаолияти икки босқичга бўлинади: бири – керакли форматдаги ва турдаги маълумотларни топиш, тўплаш, танлаш, саралаш; иккинчиси – мавжуд медиакомпонентлардан материал тайёрлаш, бир нечта медиаэлементларни мантиқан ва мазмунан уйғунлаштирган ҳолда сифатли мультимедиавий материал яратиш. Бу эса журналистларнинг бир пайтнинг ўзида виртуал-конвергент-мультимедиа режимида ишлаши аҳамиятини орттиради, ихтисослашув эса танланган мавзу, ҳудуд, оммавий ахборот воситасининг тури, тарқатиш каналига кўра фарқланади.

Диссертацияда турли жамоа ва мультимедиа материаллар таҳлили асосида мультимедиа материални яратишда ижодий гуруҳ фаолият цикли уч босқичли занжирга асослангани аниқланди ва исботланди, булар: *pre-production* – ишлаб чиқаришдан олдинги тайёргарлик босқичи, *production* – ишлаб чиқариш босқичи, *post production* – ишлаб чиқаришдан кейинги нашр жараёни.

Аммо юқоридагилардан ташқари, журналистлар матнли, тасвирий ва овозли материаллар билан ишлашда янги методларни ҳам эгаллашлари керак, бугун воқеа-ҳодисаларда томошабинлар иштирокини таъминловчи виртуал-жисмоний таассуротлар ва таъсир эффектига эга техникаларни қўллаш орқали медиамаҳсулот тайёрлаш аҳамияти ортмоқда.

Диссертациянинг **“Мультимедиа журналистикаси кашфиётчилари амалиётининг умумий қонуниятлари”** номли тўртинчи бобда мультимедиа қамровининг хусусиятлари ўрганилиб, улар АҚШ ва Буюк Британияда нашр этилган мультимедиа материаллари таҳлили асосида очиб берилган.

Бобда ўртага ташланган дастлабки савол: журналистик амалиёт нуқтаи назаридан мультимедиа нима? Оммавий ахборот воситалари амалиётида мультимедиа ички ва ташқи ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда ҳар бир оммавий ахборот воситасининг ўрни борасида тўхталиш ноўрин, бу ҳақида кўп ёзилган, аммо мультимедиа контекстида унинг барча оммавий ахборот воситаларига бирдек хос жараён сифатида қараш лозим, унинг ривожланганлик даражасига қараб фарқланишини кўриш мумкин.

Таҳлил учун мультимедиа журналистикасининг энг яхши намуналари танланди, бошқа сўз билан айтганда, мультимедиа журналистикасининг классик намунасига айланган материаллар саралаб олинди. Масалан, улар орасида Нью-Йорк Таймс (“The New York Times”) халқаро миқёсда мультимедиа

журналистикасининг ташаббускорларидан бири ҳисобланади. Нафақат ўқувчилар, балки мультимедиа журналистикаси амалиётчиларида улкан таассурот қолдирган биринчи иллюстратив мультимедиа материалларидан бири “Snow Fall” (“қор кўчкиси”)⁴⁰ лонгриди ҳисобланади. Мухбир Жон Бранч томонидан тайёрланган ушбу материал, оддий босма нашр кўринишидаги публицистик мақоладан фарқли равишда бир неча мантиқий парчалардан иборат, мураккаб технологик ечим ва дизайнга эга мультимедиавий материал сифатида чоп этилди (эфирга узатилди). Муаллиф овоз, видео, матн, фотосуратлар ва графикани шундай бирлаштирадики, мультимедиа материали яхлит комплекс ижод намунаси сифатида қабул қилинади. Мухими, ушбу материалда тасвирланган воқеа аслида қандай кечган бўлса, визуал реконструкция қилинган ҳолда янги форматда, тушунарли, равон етказиб берилади. Компьютер техникаси бу ерда ҳал қилувчи роль ўйнайди ва журналистга турли парчалардан иборат медиаэлементларни бирлаштиришга, ўқувчига эса материалнинг турли бўлимлари бўйлаб ҳаракатланиб, уни мустақил ўзлаштиришга имконият беради.

“The New York Times” ўз веб-саҳифасида “Snow Fall” (“қор кўчкиси”)ни чоп этиши билан у жуда ижобий қабул қилинди, ҳатто ижтимоий тармоқларда миш-мишлар бошланди: бу “онлайн журналистиканинг келажаги” эмасми?⁴¹ Муаллифлар ўзларини тажрибали мультимедиа журналистлари сифатида танитиб, бошқа бир қатор материалларни ярата бошлайди. Уларнинг ҳар бири (“Буюк ёлғизлик” (“Out in the great alone”), “Тонг девори” (“The dawn wall”), “Орзулар қайиғи” (“The dream boat”) веб-публицистика, тарихий очерк, журналистик суриштирув жанридаги мультимедиавий материал сифатида эътиборга лойиқдир.

Мазкур материаллар яратилиши жараёнини ўрганиш натижасида кўриш мумкинки, таҳририят негизида тузилган мультимедиа журналистлар жамоасининг ижодий ва ташкилий фаолиятида, хусусан, ахборот излаш, йиғиш, қайта ишлаш, тайёрлаш, жойлаштириш, юбориш каби соҳаларда кўп ўзгаришлар юз берди. Мультимедиа шароитига ўтаётган таҳририятлар ички диверсификацияга учрайди, ижодий жамоаларда рақамли технологияларга боғлиқ янги позициялар, вазифалар ва янги мутахассисларга эҳтиёж пайдо бўлади. Бунда асосий эътибор рақамли технологияларни қўллашга қаратилса-да, журналистик ижод ҳам сифат жиҳатдан тобора мукамаллашиб боради. Мультимедиавий материал тайёрлаш тақозосига кўра, таҳририятда ички ўзгаришлар амалга оширилади, вақтинчалик фаолият олиб борадиган, таҳририят циклидан ташқари, ўз ички фаолият циклига эга маҳсус (шу жумладан, бир марталик, битта лойиҳа учун йиғилган) жамоалар фаолияти ташкил этилади.

Мультимедиа журналистикаси классикларидан яна бири “Gardian” таҳририяти эди. Ушбу газетанинг “Firestorm” (“Оловли шторм”) журналистик суриштируви анъанавий журналистика чегараларини кенгайтириб, шов-шувли материаллардан бирига айлантди. Бу борада Буюк Британиядаги Glasgow Herald мультимедиа муҳаррирлари гуруҳининг тажрибаси ҳам ўрганилди.

Классик оммавий ахборот воситалари даврида ахборот инсониятга хизмат қилар эди, энди эса рақамли ва мультимедиа ривожланган пайтда тескари жараён

⁴⁰ Snow Fall. <http://www.nytimes.com/projects/2012/snow-fall/#/?part=tunnel-creek>

⁴¹ https://twitter.com/n_cardon/status/281847918166675456

– инсоният оммавий ахборот тизгинидадир. Ахборотни идрок этишнинг учта психологик қонуни интернет ва мультимедиа журналистикасида аниқ ишлайди. Америкалик тадқиқотчи Элвин Тоффлер “Учинчи тўлқин” китобида улардан биринчиси, яъни саккиз сония қонунияти ҳақида ёзган эди. Олимнинг қайд қилишича, агар фойдаланувчи ўртача саккиз сония ичида веб-сайтдан керакли маълумотларни топа олмаса, у ҳолда уни тарк этади. Унинг давоми сифатида иккинчи ва учинчи қонуниятлар ушбу диссертацияда келтирилмоқда. Агар онлайн платформалар рақамлар, фактлар, овоз ва видео билан ҳаддан ташқари кўп юкланган бўлса, фойдаланувчи учун хабарнинг умумий контурини идрок этиш қийин бўлади. Фойдаланувчи эса намойиш этилаётган маълумотнинг қанчалик қизиқарли бўлишидан қатъи назар сайтни тарк этади. Учинчи қонуният ахборотни узатиш тезлиги билан боғлиқ бўлиб, агар маълумот узатиш тезлиги техник жиҳатдан жуда юқори бўлса, у бир томондан турли хил овозли, визуал, график эффектлар ва усуллар борасида битмас-туганмас имконият яратади, иккинчи томондан эса бундай ҳолатда фойдаланувчи маълумотни илғаб олиши қийин бўлиб, унинг диққатини ушлаб қолиш яна бирламчи масалага айланади. Интернет тизимида ахборот узатиш тезлиги ва мультимедиавий хусусиятлар, фойдаланувчилар учун маълум маънода ахборот прессинги (тазйиқи) ҳам бўлиши тайин, кўплаб мультимедиавий воситалар ёрдамида тайёрланган медиаматериалларда бу айниқса кучаяди. Кадрлар ва планларнинг тез ўзгариши, визуал инерцияни тезда ўзгартиришга уринишлар ва устма-уст тушган материалларнинг сероблиги натижасида фойдаланувчида диққатни жамлаш мураккаблашади, бунинг натижасида эса тушқун психологик ва руҳий ҳолат юзага келади. Бу ҳам маълум маънода мультимедиа журналистикасининг муаммолари сирасига киради.

Буюк Британиядаги мультимедиа журналистикаси амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатдики, мультимедиавий ижод муваффақиятли бўлиши учун қуйидаги омилларга эътибор берилади:

1) жонлилик – унга материалнинг турли даражадаги самараси боғлиқ, сарлавҳасидан тортиб то у билан тўлиқ танишишгача;

2) тўғри композицион қурилиш: а) материалнинг ички қурилиши, материалнинг турли медиа бўлаклари, аниқ эпизодларни тақдим этишнинг энг яхши йўлини қўллаш; б) материалнинг ўзаро уйғун ва динамик тақдими;

3) узлуксиз монтаж ва қайта монтаж жараёни, оммага маълумот етказиб беришнинг ҳар томонлама мақбул усулини тўғри топиш мультимедиа журналистикаси қонуниятларидан биридир;

4) композицияни тўғри танлаш учун тинимсиз вариантлар излаш оптимал тақдимот моделини топиш учун зарурий шартдир. Фойдаланувчини воқеага жалб қилиш учун материалнинг барча жиҳатларини имкон қадар батафсил, реал, документал ва ишончли етказиш аҳамиятлидир;

5) воқеа хроникасини тўғри тасвирлаш, ўтмишга янгича назар билан қараш, бугунги кунни очиб бера олиш, келажакни кўра олиш;

6) акс эттирилган воқеа-ҳодисани ўз акцентлари, кучли томонларини тегишли тасвир, овоз ва бошқа мультимедиа элементлар мувозанатини таъминлаган ҳолда ёритиш;

7) фойдаланувчига уни қизиқтирган, ўзи тушунмаган, ўзи учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган эпизодларни яна бир бор кўриш мақсадида орқага қайтиш учун техник-навигацион имкониятни яратиш.

Мультимедиа журналистикаси шароитида контент ва шакл ўртасидаги муҳим оралиқ жараён мультимедиа материалнинг тузилиш тизими ҳисобланади. “Тизим” атамаси маълум бир тоифаларнинг ташкил этилганлиги ва иерархияси сифатида тушунилади. “Шу нуқтаи назардан объектни тизим сифатида кўриб чиқиш уни тўртта категориал қатламда тақдим этишни англатади: 1) жараёнлар; 2) функционал тузилиш; 3) материални ташкил этилиши; 4) морфология. Кейин морфология қатлами яна жараёнлар, тузилмалар, ташкилотлар қатламларига парчаланиши мумкин ва бу парчаланиш тизим тавсифининг иккинчи даражасини ташкил қилади...”⁴².

Диссертациянинг бешинчи бобида **“Россия ва Ўзбекистон янгиланаётган журналистикасининг мультимедиа форматлари”** қиёсланади, икки мамлакат мультимедиа журналистикаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинади. Хусусан, Россиянинг мультимедиа лойиҳалари ҳақида гапирганда, ҳужжатлилиқ (документаллик)ни таъкидлаш муҳим. Ўзбекистонда мультимедиа журналистикасининг ҳолатини таҳлил қилишда эса мультимедиага ўтишда шаклланиш босқичини таҳлил қилиш ва англашни тақозо этади.

Эътирофлиси шундаки, Россия оммавий ахборот воситалари таҳририятлари мисолида мультимедиа журналистикасида журналистика ва ахборотни тасвирлашнинг бошқа соҳалари ўртасидаги чегаралардан воз кечилганини кўриш мумкин. Материаллар Ғарбда тайёрланганлардан қуйидагилар бўйича фарқ қилади: 1) аксарият ҳолларда тарихий мавзуда тайёрлангани; 2) тўлиқлигича янги компьютер технологиялари ёрдамида йиғилгани. Ушбу мамлакат мультимедиа материалларига хос бошқа жиҳат эса, уларнинг, биринчи навбатда, матнли сценарий асосига қурилгани, сўнг эса муаллифлар излаб топган турли хилдаги медиаматериаллар тўлдирилиши билан характерланади.

Бу ерда мультимедиа материалларининг муҳим жиҳати ҳужжатлилиқ бўлиб, Ғарб оммавий ахборот воситаларида эса мультимедиа форматларида суриштирув журналистикаси устунлик қилади, рус мультимедиа жамоаси фаолиятида эса универсаллик устунлик қилади, Ғарбда эса жамоа ичида вазифалар тақсимоли муҳим. “Универсальная журналистика” қўлланмасининг муаллифи Л.Шестеренкина бундай журналистларга қуйидагича таъриф беради: “универсал журналист конвергенция шароитида медиамаҳсулотни яратишга, мақсадли аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тушунишга қодир бўлган, турли медиаларда бир вақтнинг ўзида фаолият олиб бора оладиган, матн билан ишлаш баробарида, интернет, телевидение ва радиоэшиттириш учун лавҳа тайёрлай оладиган, замонавий медиа технологиялари ва рақамли мобил технологияларни мукамал эгаллаган мутахассисдир”⁴³.

Россия оммавий ахборот воситаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мультимедиа форматларига ўтиш жараёнида бир қанча талаблар қаторида асосий

⁴² Новейший социологический словарь. Сост. А.А. Грицанов, В.Л. Абушенко, Г.М. Евелькин и др. – Мн: Книжный Дом, 2010. – С. 916.

⁴³ Универсальная журналистика: Учебник для вузов / Под ред. Л. П. Шестеркиной. – М.: Издательство «Аспект Пресс», 2016. – С. 91.

шарт сифатида таҳририятларда мультимедиа техникаларининг мавжудлиги, ундан ташқари, унда ишлай оладиган профессионал кадрларнинг борлиги, мультимедиа материаллари учун мавзу ва уларнинг бўлажак ракурси ва истиқболлини кўра биладиган ҳамда нашр раҳбариятини бундай лойиҳаларни амалга оширишга кўндирга оладиган ижодий ходимларнинг жалб этилгани билан белгиланади. Сифатли мультимедиа материаллари, асосан, мамлакатнинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан тайёрланади, негаки, одатда бундай материаллар катта маблағ ва ижодий гуруҳда фаолият олиб боришни талаб қилади, бундан ташқари, улар мультимедиа соҳасида юқори касбий тайёргарликка эга бўлиши керак.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг мультимедиа форматига ўтиш жараёнлари мазкур тадқиқотда бир неча жиҳатдан таҳлил қилинган:

1. Фокус-сўров асосида журналистларнинг янги авлодига қўйиладиган профессионал компетенциялар, мультимедиа маҳорати бўйича талаблар ўрганилди.

2. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан мультимедиа материаллари форматда чоп этилган журналистик материаллар таҳлил қилинди.

3. Таҳририятда мультимедиавий форматга ўтиш шароитлари ва мамлакатнинг турли оммавий ахборот воситаларида мультимедиа форматига ўтиш зарурати кўриб чиқилди.

Миллий оммавий ахборот воситалари даражасида қуйидаги муаммоларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги аниқланди:

Биринчидан, Ўзбекистон ОАВ таҳририятларида замонавий мультимедиа технологияларининг етишмаслиги кўпинча молиявий масала билан изоҳланади.

Иккинчидан, мультимедиа платформалари жуда замонавий ва қулай бўлишига қарамай, улар ҳозирча таҳририятга етарлича даромад олиб келмайди, шунга қарамасдан, замонавий талаб асосида, рақамли форматда муваффақиятли фаолият олиб боришни истаганларгина янги технологиянинг моддий томонидан қатъи назар, ана шундай платформалар асосида ишлашга ўтмоқда.

Учинчидан, янги шароитда рақамлаштириш жараёнларида таҳририятнинг янги шароитда жамоавий ишлашини таъминлайдиган мутахассислар, яъни медиа менежерларининг етишмаслиги, бу соҳада кадрлар тақчиллиги долзарб муаммодир.

Мультимедиавий журналистика шароитида таҳририятнинг фаолиятини режалаштириш муҳим аҳамиятга эга эканини такрор ва такрор таъкидлаш жоиз. Аммо бу масалани ОАВда молиялаштириш билан боғлиқ муаммоли ҳолат сифатида баҳолаш ўринли.

ХУЛОСА

Диссертацияда амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулосаларга келинди:

1. Мультимедиа журналистикасининг ҳолати. Мультимедиа энг оддий шаклларда журналистикагача бўлган даврда ҳам мавжуд эди. Ахборот технологиялари, хусусан, интернетнинг ривожланиши билан мультимедиа журналистикаси ўзининг муҳим натижаларидан бири сифатида журналистиканинг

анъанавий турлари – босма, радио, телевидение ва интернет билан бир қаторда аста-секин муҳим ўрин эгалламоқда. Демак, оммавий ахборот воситалари ҳаётида янги давр – мультимедиа журналистикаси даври шаклланмоқда. Натижада интернет даври классик интернет босқичи ва мультимедиа интернет босқичидан иборат эканлигини қайд қилиш зарур.

2. Мультимедиа – ривожланишнинг барча босқичларида оммавий ахборот воситаларига яқинлашишнинг энг муҳим натижаларидан бири бўлиб, айниқса, янгиликлар ва таҳлилий журналистикада ахборот узатишнинг самарали усули ҳисобланади. Мультимедиадан фаол фойдаланиш замонавий оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, интернет)нинг дастлабки тузилмаларига нисбатан мультиплатформали ва кўп каналли воситалар ёрдамида устунликка эга бўлиш имконини берди.

Мультимедиа журналистикаси тарихини уч босқичга: журналистикагача бўлган мультимедиа даври (масалан, театрлар учун характерли), классик мультимедиа даври (классик оммавий ахборот воситалари даври) ва пост-классик мультимедиа (интернет пайдо бўлиши билан шаклланган) даврига бўлиш мумкин. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, ички босқичларга бўлинади.

Мультимедиа – медиа конвергенциянинг натижасидир. Мультимедиага яқинлиги жиҳатдан ОАВнинг уч шаклини ажратиш мумкин. Мультимедиа элементларини ўз ичига олган оммавий ахборот воситаларини босма, радио ва телевизион журналистика деб ажратиб кўрсатиш мумкин. Рақамли, конвергент ва кросс-медиа журналистикаси ўзаро яхлитликка эга. Мультимедиа журналистикаси рақамли, конвергент ва ўзаро фаолият медиа, шунингдек, трансмедиа ва гипермедиа каби соҳаларни бирлаштиради. Баъзи мутахассислар ҳатто мультимедиа журналистикасини янги турдаги янгиликлар иншосининг бир тури деб ҳисоблашади.

Конвергенция ва мультимедиа янги технология ёрдамида ишлайдиган рақамлаштирилган журналистикага асосланади. Мультимедиа журналистикасининг янги журналистика тури сифатида бирлик ва кўп таркибли, интегративлик ва интерактивлик, гипермедиа ҳолати, воқеага шўнғиш, ҳикоя қилиш, ижодкорлик каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, кўп каналли тизимга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ички ва ташқи, канал ичра ва каналлараро мультимедиа мавжуд. Мультимедиавий журналистик материалнинг ички тузилиши унинг ёрдами билан ўзгартирилади ва қайта қурилади. Мультимедиа маълум фаолиятда бир нечта каналларнинг ва оммавий ахборотни узатишнинг турли усуллари бевосита ҳамда хилма-хил комбинацияга эга кўринишда амалга оширади.

Мультимедиа журналистикасида бир эмас, иккита – ижодий ва техник гуруҳ ишлайди. Ижодий ходимлар телерадиоэшиттириш техникасини эгаллашга қанчалик уринмасин, улар рақамли дизайн ва ахборот узатишнинг турли соҳаларида малакали техник ходимлар даражасига эриша олмайдилар. Демак, мультимедиа журналистикасида ўзаро ҳамкорлик бирламчи аҳамиятга эга.

Мультимедиа асарлари иккита жамоа томонидан – оммавий ахборот воситалари ходимлари жамоаси ва медиа каналлари тўплами билан ўзаро шаклланади: видео, товуш ва матннинг ўзи журналистларга бўйсунмайди, уларнинг ҳар бири узоқ вақтдан бери канал гуруҳи кўринишида мавжуд бўлган.

Бироқ улардан фойдаланиш ижрочилар: журналистлар, дизайнерлар, операторлар ва бошқалар жамоасига боғлиқ. Иккинчи гуруҳ эса техник шарт-шароитлардан моҳирона фойдаланган ҳолда янги самарали ишларни яратади. Бу икки йўналишда ишлайди: каналлар салоҳиятидан фойдаланади; асарда техник характердаги ижодий имкониятларни ўз ичига олади. Шундай қилиб, мультимедиа журналистикасини жамоавий контент яратиш билан ажралиб турадиган гуруҳ типидagi журналистика деб тан олиш ўринли бўлади. Мультимедиа интернетни собиқ классик оммавий ахборот воситаларига нисбатан техник афзаллиги жиҳатдан одатий катта экранли кинотеатрга айлантирди.

Мультимедиа журналистикаси технологиялари мақсадли равишда аудиторияни жалб қилишга қаратилган. Шу боис мультимедиа журналистикасида аудитория билан ўзаро алоқалар янги босқичга кўтарилмоқда деб айта оламиз. Бугунги кунда ёшлар интернетда интерактивликнинг турли хил усулларидан фойдаланадилар. Қадимдан ахборот алмашиш жараёнида интерактивлик диалог анъанасининг давоми бўлиб келган. Ахборот узатишнинг тез ўзгарувчан каналлари, мазмуннинг интерактивлиги ва шаклнинг яқинлашуви, шунингдек, турли хил белги – идентификация тизимларининг мавжудлиги янги мультимедиа журналистикасининг етакчи хусусиятлари ҳисобланади. Айнан интерактивлик мультимедиа журналистикасида медиа ахборотни медиа коммуникацияга айлантиришга ёрдам берди.

Мультимедиа журналистикаси асарларининг шакли эса материалнинг оммавий аудиторияга хилма-хил, босқичма-босқич ва динамик тақдимоти, унинг таркиби, дизайни ва навигацияси билан муҳим аҳамиятга эга. Бугун мультимедиа журналистика материаллари нафақат журналистикада, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида – адабиёт, санъат, кинода ҳам оммалашмоқда.

2.1. Мультимедиа журналистикаси муаммолари. Мультимедиа журналистикаси тубдан янги канални жорий этмайди, балки босма, радио ёки телевидение каби оммавий ахборот воситаларининг хусусиятларини кучайтиради, фаолиятини кенгайтиради ва ранг-баранглаштиради. Юқори тезликда, кўп каналли ва сифатли контентнинг моҳирона комбинацияси мультимедиа журналистикасининг асосий вазифаларидан биридир.

Журналистиканинг субъект-объект муносабатларида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Субъектнинг (журналистнинг) объектга (аудиторияга) таъсирининг анъанавий варианты янги “субъект-субъект” муносабати билан алмаштирилади.

Мультимедиа журналистикасида ҳал қилувчи унсур матн эмас, тасвир ҳисобланади. Демак, журналистикада камдан-кам учрайдиган журналистик парадигмаларнинг ўзгариши мавжуд. Шунинг учун матн, фотосурат, овоз, видео ва ҳ.к.ларнинг ролини тўғри баҳолаш керак, яъни маълумотни етказиб беришнинг мазкур каналларини камайтирмаслик ёки ортиқча баҳоламаслик лозим. Амалиёт шуни кўрсатадики, мультимедиа журналистикасида воқеанинг ажойиб панорамасини бўрттириб кўрсатиш ёки бошқа экстремалларга тушиш осон. Бу масалада ҳушёр бўлиш ва бузилишлардан қочиш керак. Асосий урғуни ақлий, ижодий таркибдан техник жиҳатга ўтказиш мумкин эмас. Анъанавий журналистика ҳамда мультимедиа журналистикада етакчи аҳамиятга эга бўлган медиаматннинг ўзи ҳам қисқа тезис, эълон, сарлавҳага айланиб бормоқда.

Журналистика жанрлари соҳа учун етакчи аҳамиятга эга. Жанрлар ижодий характердаги категория бўлиб, мультимедиа журналистикаси жанрларнинг мураккаблиги ва жанр чегараларининг мавҳумлиги билан ажралиб туради.

Мультимедиа журналистикасида жанрларни таснифлаш техник воситалардан фойдаланишнинг турли усуллари ва материалларни тақдим этишда ноанъанавий шакллариининг кўплиги туфайли мураккабликни юзага келтиради.

Сторителлинг ва лонгрид мультимедиа журналистикасининг энг мураккаб ва оммабоп жанрларига айланди (иккинчиси баъзан сторителлингнинг давоми сифатида, баъзан мустақил жанр деб юритилади).

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, замонавий шароитда анъанавий оммавий ахборот воситалари ҳам сифатни йўқотмоқда ва материалларни тақдим этишда рақобат таъсири остида шаблонлар ва стереотипларга мойил бўлади. Умуман, мультимедиа келажакдаги онлайн журналистиканинг етакчи йўналишларидан бири бўлишига қарамай ягона эмас, чунки янгиликлар, сарлавҳа, эълон, қисқа матн, алоҳида видео ва аудио материаллар мавжуд бўлиб, журналист улардан воз кечмайди. Демак, мультимедиа журналистикасининг афзаллиги ва серқирралиги учун унинг замонавий журналистикадаги ўрнини бўрттирмаслик керак.

2.2. Мультимедиа журналистикасининг камчиликлари. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида, бундан 60 йил илгари янги шароитда Маршалл Маклюэн таъкидлаган, аммо мутахассислар ҳалигача яхши тушунмайдиган медиаканалнинг ўзига хос хусусиятлари ҳозиргача долзарблигини йўқотмаган. М.Маклюэн позициясининг асосий моҳияти шундаки, аудиториянинг ахборот қабул қилишида контент эмас, балки у узатиладиган канал, яъни босма, аудио ёки визуал ОАВ тури ва канал хусусиятлари аҳамиятлироқ бўлади.

